

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АБДУТАЛИПОВА НЕЛЛЯ МУДАРИСОВНА**

**АМИНОСУЛЬФАТ, АМИНОФОСФОР ВА АМИНОКАРБОКСИЛ  
ГУРУҲЛАР САҚЛОВЧИ ПОЛИКОНДЕНСАЦИОН ТУРДАГИ  
АМФОЛИТЛАРНИ СИНТЕЗ ҚИЛИШ, ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Абдудалипова Нелля Мударисовна**

Аминосульфат, аминофосфор ва аминокарбоксил гуруҳлар сақловчи  
поликонденсацион турдаги амфолитларни синтез қилиш, олиш  
технологиясини яратиш ва уларнинг хоссалари..... 3

**Абдудалипова Нелля Мударисовна**

Синтез и разработка технологии получения амфолитов поликонденсационного  
типа с аминосульфатными, аминофосфорными и аминокарбоксильными  
группами и их свойства ..... 27

**Abdudalipova Nellya Mudarisovna**

Synthesis and development of polycondensation type ampholytes with  
aminosulphate, aminophosphoric and aminocarboxylic groups production  
technology and their properties ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АБДУТАЛИПОВА НЕЛЛЯ МУДАРИСОВНА**

**АМИНОСУЛЬФАТ, АМИНОФОСФОР ВА АМИНОКАРБОКСИЛ  
ГУРУҲЛАР САҚЛОВЧИ ПОЛИКОНДЕНСАЦИОН ТУРДАГИ  
АМФОЛИТЛАРНИ СИНТЕЗ ҚИЛИШ, ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестацион комиссияда B2021.4.DSc/T117 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Туробжонов Садриддин Махаммадинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Адилов Равшан Иркинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Акбаров Хамдам Икрамович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Каримов Масъуд Убайдулла ўғли**  
техника фанлари доктори, профессор  
**А. Султанов номидаги кимё ва фармацевтика**  
**илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «22» декабрь 2021 йил соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел: (+99871) 244-79-20, факс: (+99871) 244-79-17, e-mail:tkti\_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (121 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «07» декабрь куни таркатилди.  
(2021 йил «07» декабрь даги №29 рақамли реестр баённомаси)



**С.М. Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

**Х.И. Қодиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.,  
профессор

**Ғ.Р. Раҳмондєрдиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, к.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда хусусиятлари аввалдан белгиланган комплекс хоссаларга эга юқори молекулали бирикмалар, жумладан синтетик ион алмашувчи полимерлардан қимматбаҳо моддаларни тозалаш, ажратиш жараёнларида ва бошқа турдош тармоқларда фойдаланиш йилдан йилга ошмоқда. Шу билан бирга юқори молекуляр бирикмаларнинг кимёвий тузилиши ва хоссалари орасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш, ионитлар ёрдамида сувни юмшатиш ва тузсизлантириш, саноат оқова сувларидан ва ишлаб чиқариш эритмаларидан қимматбаҳо ва токсик компонентларни ажратиш, биологик объектлар, озиқ-овқат ва дармон-дори препаратларини тақсимлаш, нодир ер элементлари ва изотопларни саралаш жараёнларини такомиллаштириш муҳим аҳамият эга ҳисобланади.

Дунёда синтетик ион алмашувчи полимерлар ёрдамида атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш, ифлосланган табиий манбаларни бартараф этиш, оқова сувларни юмшатиш ва тузсизлантириш ҳамда бошқа турдош тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, ионоген гуруҳларни киритиш учун матрица каркасли янги сополимерларни синтез қилиш, комплекс ҳосил қилувчи, селектив хусусиятларига эга ионитлар олиш, ион алмашувчи полимерларнинг сорбцион хоссаларини шакллантириш ва ишлаб чиқариш технологияларини модификациялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда кимё саноати корхоналарида хомашёни қайта ишлашнинг энергия ва ресурстежамкор технологияларини жорий этиш, халқаро стандарт талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва асортиментини кенгайтириш, синтетик ион алмашувчи полимерлар ишлаб чиқаришда муҳим илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари фурфурол ва акрилонитрил ишлаб чиқаришнинг куб қолдиқлари асосида поликонденсацион турдаги импорт ўрнини босувчи янги амфолитлар синтезлаш йўналишида илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йилнинг 7 февридаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон «Кимё саноати ташкилотлари экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш бўйича чор-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2016 йил 15 июндаги ПҚ-2547-сон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» номли ПФ-4947-сон фармони.

«2016-2020 йилларда минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида экспортга мўлжалланган тайёр кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғликлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ион алмашинувчи полимерлари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва ионитлар ёрдамида сувни юмшатиш ва тузсизлантириш, саноат оқова сувларидан ва ишлаб чиқариш эритмаларидан қимматбаҳо ва токсик компонентларни ажратиш жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан: University of Delhi (Хиндистон), University of Loughborough (Буюк Британия), The University of California (АҚШ), Ege University (Туркия), Maria Curie-Sklodowska University (Польша), University of Kitakyushu (Япония), Беларусия фанлар Академиясининг физик-органик кимё институти (Беларусь) University of Melbourne (Австралия), Пластик массалар илмий-тадқиқот институти (Россия), А.Б. Бектуров номидаги кимё фанлари институти (Қозоғистон) ва Ўзбекистон Миллий Университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Хусусиятлари аввалдан белгиланган комплекс хоссаларга эга юқори молекулали бирикмалар, синтетик ион алмашинувчи полимерлардан қимматбаҳо моддаларни ажратиш, кимё корхоналарининг оқова сувлари ва ишлаб чиқариш эритмаларини тозалашда қўллашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: дончалари бир жинсли гранулометриқ таркибли ионитларнинг янги тури олинган (Dow Chemical Co. АҚШ; Bayer AG Германия ва Purolite international Ltd, Буюк Британия); кимёвий модификациялаш ва радикал сополимерлаш усуллари билан никотинамид гуруҳли стирол ва дивинилбензол асосидаги янги сополимерлар ва 2-метил-5-винилпиридинли метакрилоиламинобензой кислотаси изомерлари асосидаги сополимерлар олинган (Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий Университети, Қозоғистон); акрилонитрилнинг чокланган сополимерлари асосида бактерицидлик хусусиятига эга бўлган ион алмашинувчи сорбентлар синтез қилинган (Instituto de Química (Бразилия); юқори реакцион хусусиятли фурфурол ҳосилалари асосида танлаб таъсир этувчи сорбентлар ишлаб чиқилган (Ajou University, Корея), лигноцеллюлоза гидрализатларининг детоксикация самарадорлиги ва механизми ҳамда

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.crunchbase.com/organization/anchor-drilling-fluids-usa>; [www.scprod.com](http://www.scprod.com); [www.special-products.com](http://www.special-products.com); [www.stratacontrol.com](http://www.stratacontrol.com); [www.sundrilling.com](http://www.sundrilling.com), [www.sulfatreat.com](http://www.sulfatreat.com). ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

гидролизатга турли ион алмашинувчи смолалар билан ишлов бериш ёрдамида ферментациядан олдин ингибирловчи бирикмаларнинг йўқотилиши (Swedish Pulp and Paper Research Institute, Швеция), икки валентли мис, рух, никель, кўрғошин ва кадмий ионларини синтетик сульфурланган Amberlite IR-120 смоласида сорбцияси ўрганилган (Selcuk University, Туркия).

Дунёда таркиби ва хоссалари аввалдан белгиланган ионитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва уларнинг қўлланилиш соҳаларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: ионоген гуруҳларга киритиш учун полимер матрицаси ролини бажарадиган янги сополимерларни синтез қилишнинг қонуниятларини асослаш; комплекс ҳосил қилувчи, селектив хусусиятларига эга бўлган ионитлар олиш; ион алмашинувчи полимерларнинг асосий сорбцион ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш; ионитлар ёрдамида саноат оқова сувларидан ва ишлаб чиқариш эритмаларидан қимматбаҳо, токсик компонентларни ажратиш ҳамда сувни юмшатиш ва тузсизлантириш жараёнларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда хусусиятлари аввалдан белгиланган комплекс хоссаларга эга юқори молекулали бирикмалар, жумладан синтетик ион алмашинувчи полимерлардан қимматбаҳо моддаларни тақсимлаш, тозалаш, ажратиш технологиясини такомиллаштиришни тизимли ўрганиш бир қанча олимлар, А. Massoud, S.A. Waly, B. Gong, Sh. Sato, Y. Tada, S. Sakawa, Ф. Гельферих, К.М. Салдадзе, К.В. Чмутов, Г.В. Самсонов, Р. Кунин, Р. Майерс, В.Г. Синявский, А.Б. Пашков, Р. Гриссбах, Е.Е. Ергожин, Б.Н. Ласкорин, Г. Осрборн, В.В. Коршак, А.С. Тевлин, Е.Б. Тростянский, А.Б. Даванков, Ю.А. Лейкин, В.Д. Копылова-Валова, Л.А. Пимнева, Е.А. Бектуров, М.А. Аскарров, А.Т. Джалилов, С.М. Туробжонов, Э. Фатхуллаев, Р.А. Назирова, З.А. Таджиходжаев, Т.Т. Турсунов, Н.Т. Каттаев ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Халқаро стандартларга жавоб берадиган полиамфолитларни олиш саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари фурфурол ва акрилонитрил ишлаб чиқаришнинг куб қолдиқлари асосида аминосульфат, аминофосфор ва аминокарбоксил гуруҳли поликонденсацион турдаги амфолитлар ишлаб чиқариш, уларнинг сорбцион хусусиятларини саноат шароитларда тадқиқ қилиш, металл ионларининг олинган ионитлар билан комплекс ҳосил қилиш механизмини ва кинетик параметрларини аниқлашга квант-кимёвий усуллардан фойдаланишга етарлича аҳамият берилмаган.

Таркиби ва хоссалари аввалдан белгиланган ионитлар ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш йўналиши бўйича олиб борилган ишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш шуни кўрсатадики, комплекс хоссаларга эга синтетик ион алмашинувчи полимерлар ишлаб чиқариш, кимёвий тузилиши ва хоссалари орасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш, уларни қимматбаҳо моддаларни тақсимлаш, тозалаш, ажратишда қўллаш технологиялари илмий асосланмаган. Биологик объектлар, озиқ-овқат ва дармон-дори препаратларини, нодир ер элементлари ва изотопларни ажратиш жараёнларини такомиллаштириш

ўрганилмаган. Ионитлар ёрдамида сувни юмшатиш, тузсизлантириш, саноат оқова сувларидан ва ишлаб чиқариш эритмаларидан қимматбаҳо ва токсик компонентларни ажратиш исботланмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ЁА6-1 «Текстил саноати оқова сувларини бўёқлардан тозалашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» (2014 - 2015 йй.) ва ЁА12 - 6 «Аввалдан хоссалари маълум бўлган поликонденсацион турдаги янги амфолитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2016 - 2017 йй.) мавзусидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Ишнинг мақсади** аминосульфат, аминофосфор ва аминокарбоксил гуруҳлар сақловчи поликонденсацион турдаги амфолитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва қўлланилиш жараёнларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

фурфуролдан боғловчи агент сифатида фойдаланиб, стирол ва полиэтиленполиаминни поликонденсациялаш реакциясини тартибга солиш;

фурфурол ва акрил кислота нитрили (АКН) куб қолдиғи асосида ионитларни синтез қилишнинг оптимал шароитларини аниқлаш;

стирол, фурфурол ва ПЭПА асосида анионитни сульфурлаш ва фосфориллаш полимераналогик реакциялар ўзгаришларидаги кимёвий модификация жараёнларини тартибга солиш;

фурфурол ва АКН ишлаб чиқариш куб қолдиқлари асосидаги полиамфолитларнинг морфологияси ва молекуляр тузилишини аниқлаш;

стирол, фурфурол ва ПЭПА ҳамда улар асосидаги полиамфолитлар асосидаги анионитлар морфологиясини ва молекуляр тузилишини аниқлаш;

янги амфотер ионитларнинг қўлланиш соҳаларини аниқлаш мақсадида уларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион характеристикаларини ўрганиш;

ПЭПА ва НАК асосидаги комплекситлардан олинган  $\text{Cu (II)}$  ионларининг сорбцияланиш жараёни кинетикаси ва термодинамикасини тадқиқ қилиш;

компьютер моделлаштириш усулларини қўллаган ҳолда мис ионларининг янги ионитларда сорбцияланиши ва комплекс ҳосил қилиши механизмларини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида фурфурол, стирол, ПЭПА, акрилонитрил ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган куб қолдиқлари ҳисобланади, тайёр маҳсулот - амфотер ионитлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** фурфурол асосида берилган хоссали полиамфолитлар синтез қилиш, шунингдек, улар иштирокидаги сорбцияланиш жараёнларининг кинетик, энергетик ва комплекс ҳосил қилувчи параметрларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишини бажаришда элемент анализи, изотермик сорбция, потенциометрик титрлаш, фотоэлектроколориметрия, ИК-спектроскопия, электрон микроскопия (РЭМ, СЭМ), термогравиметрик ва



дифференциал термик анализ (ТГ, ДТГ, ДТА), компьютерда ҳисоблаш дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор фурфурол ва акрил кислотаси нитрили ишлаб чиқариш куб қолдиқлари асосида аминокарбоксилли полиамфолитлар олинган, бошланғич моддаларнинг якуний маҳсулот таркибига таъсири аниқланган ҳамда яхшиланган хусусиятларга эга полиамфолитлар синтези учун мақбул шароитлар топилган;

стирол, фурфурол ва ПЭПА асосидаги структураси ва хоссалари маълум бўлган аминосульфат ва аминофосфор амфолитлар синтез қилинган;

стирол, фурфурол ва ПЭПА асосидаги сополимернинг поликонденсацияланиш жараёнига турли факторларнинг таъсири ва физик-кимёвий хоссалари маълум бўлган полиамфолитларни олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

стирол, фурфурол ва ПЭПА асосидаги анионитни синтез қилиш шароитларининг унинг физик-кимёвий хоссаларига боғлиқлигининг математик модели тузилган, адекватлиги 85% дан ортиқ бўлган регрессия тенгламаси келтириб чиқарилган;

мис (II) ионларининг сорбцияланиши кинетик ва термодинамик параметрларини ҳисоблаш ёрдамида янги полиамфолитларнинг сорбцион ва физик-кимёвий хоссаларини аниқланган;

замонавий квант кимёвий тадқиқот усуллари қўллаш орқали янги амфотер ионитларининг мис (II) ионлари билан комплекс ҳосил қилиш жараёни механизмини тадқиқ этишнинг янги усули ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагидан иборат:

ионитлар олиш учун полимер матрицаси ролини бажарувчи фурфурол асосидаги янги сополимер олишнинг оптимал шароитлари аниқланган;

НАК ишлаб чиқариш куб қолдиқлари асосида оқова сувлардан металл ионларини селектив ажратиб олиш учун комплекс ҳосил қилувчи янги аминокарбоксилли полиамфолитлар ишлаб чиқилган;

аминосульфат, аминофосфор ва аминокарбоксил гуруҳлар сақловчи поликонденсацион турдаги амфолитлар олиш технологияси яратилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** изланишларни замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, аминосульфат, аминофосфат ва аминокарбоксил гуруҳлар сақловчи поликонденсацион турдаги полиамфолитларни ишлаб чиқариш технологик жараёнлари маълумотларининг физик-кимёвий, математик статистика усуллари ёрдамида қайта ишлангани, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мувофиқлилиги, бажарилган тадқиқотлар асосида яратилган технология тажриба синовларининг ижобий натижалари ва уларнинг республика кимё корхоналарида жорий этилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фурфурол ва АКН ишлаб чиқариш куб қолдиқларининг чокланган сополимерларини кимёвий

модификациялаш, металл ионларининг ионитлар билан комплекс ҳосил қилиш механизми ва кинетик кўрсаткичларини квант-кимёвий усулларда аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти аминосульфат, аминофосфат ва аминокарбоксил гуруҳлар сақловчи поликонденсацион турдаги полиамфолитлар ишлаб чиқариш технологик режимларини аниқлашдан иборат бўлиб, кальций, магний, икки валентли мис, никель ва кобальт ионларини синтетик ионитларда сорбцияланиши, сувни юмшатиш, тузсизлантириш, саноат оқова сувларидан ва ишлаб чиқариш эритмаларидан қимматбаҳо ва токсик компонентларни ажратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари аввалдан белгиланган фурфурол асосида янги амфотер ионитлар ишлаб чиқариш бўйича олинган натижалар асосида:

«АНФС» ион алмашинувчи полиамфолит ишлаб чиқаришга ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts14825224-006:2020). Натижада стирол, фурфурол асосида ПЭПА иштирокида селектив амфотер ионит ишлаб чиқариш имконини берган;

аминокарбоксил гуруҳли амфотер ион алмашинувчи полимерни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 06174, 2020 й.). Натижада фурфурол ва НАК ишлаб чиқариш куб қолдиқлари асосида термокимёвий барқарор амфолит олиш имконини берган;

аминосульфат, аминофосфат ва аминокарбоксил гуруҳлар сақловчи поликонденсацион турдаги полиамфолитлар ишлаб чиқариш “Ўзкимёсаноат” АЖнинг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2021 йил 27 мартдаги 23/3-1171-сон маълумотномаси). Натижада «МАХАМ-СНРСНҚ» АЖ корхонасида қўлланиладиган суюлтирилган мис-аммиакли эритмадан ( $C_{\text{даст}}=5,49$  г/л) мис ионларини сорбциялаш учун Na-шаклидаги полиамфолит ишлаб чиқариш имконини беради.

**Тадқиқот ишларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида баён этилган ва муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини нашр қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 7 та республика ва 4 та чет эл журналларида чоп этилди.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 188 бетни ташкил этади

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари аниқлаб олинган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотларнинг шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, диссертациянинг тузилиши ва чоп этирилган ишлар бўйича тадбиқ этилган ишлар ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Эффектив амфолитлар олиш усуллари ривожлантиришнинг истиқболлари ва замонавий ҳолатини таҳлил қилиш»** деб аталган **биринчи бобида**, диссертация мавзуси бўйича халқаро ва мамлакатимиздаги илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилади, уларда амфотер ионитларни синтез қилишнинг ҳозирги ҳолати, уларнинг, амфотер хоссаларини намоён қиладиган группали полимерларни ҳосил қилишга олиб келадиган полимераналогик ўзгаришлар реакциялари шароитлари кўриб чиқилган. Ушбу илмий-техникавий ва патент хужжатлари маълумотларини ўрганиш орқали ион алмашувчи материалларни турлича сорбцион технологияларда мақсадли қўллаш тенденциялари таҳлил қилинган.

Мавжуд назарий ва экспериментал маълумотларни чуқур таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган. Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, хоссалари маълум бўлган комплексли янги амфотер ионитларни синтез қилишни тартибга солиш зарурияти ҳақида хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг **«Экспериментал қурилмалар, тажриба ўтказиш ва маълумотларни қайта ишлаш усуллари»** деб аталган **иккинчи боби**, бошланғич реагентларнинг физик-кимёвий характеристикаларига, фурфурол асосидаги янги полимерларни синтез қилиш усуллари ва олинган амфолитларнинг асосий хоссаларини ўрганиш усуллари бағишланган.

Диссертациянинг **«Аввалдан таркиби маълум бўлган фурфурол асосидаги ион алмашувчи полимерларни синтез қилиш хусусиятлари»** деб аталган учинчи бобда аминосульфатли (АНФС) ва аминофосфорли амфолитлар олиш учун полимер матрицасининг асосини ташкил этадиган стирол, фурфурол ва полиэтиленполиамин (ПЭПА)ларни поликонденсациялаш йўли билан тармоқланган фазовий структурага эга бўлган «АНФ» анионитини ҳосил қилиш қонуниятлари тадқиқотлари натижалари келтирилади. Шунингдек, бошқарилувчи таркибга ва хоссаларга эга бўлган АНФ ва фурфурол ишлаб чиқариш куб қолдиқлари асосидаги амфотер ионитларни синтез қилишга йўналтириш натижалари ҳам келтирилган.


Фурфурол, стирол ва ПЭПА билан ўзаро таъсирлашганда нафақат конденсирловчи агент бўлиб ҳисобланади, балки кўприк ҳосил қилувчи бўлиб ҳам ҳисобланади, олинган ионитнинг сорбцион ва физик-кимёвий хусусиятлари

унинг концентрациясига боғлиқ. Кўндаланг боғларининг сони турлича бўлган АНФ анионитини олиш учун ионитнинг тегишли намуналари синтез қилинди. Анионитнинг поликонденсациясини фурфуролнинг стиролга нисбатан тегишли равишда 0,5:1 дан 2:1 гача нисбатларда олиб борилди.


АНФ анионитининг турли омилларга сиғим алмашинуви боғлиқлигининг кўргазмалли иллюстрацияси, бу қурилган математик модел ҳисобланади. Математик моделни қуриш учун температуранинг стирол, фурфурол ва ПЭПА поликонденсацияси жараёнига таъсирини (стиролнинг фурфуролга моль нисбати 1:1 бўлганда) ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Поликонденсация жараёнини 70 дан 110°C температуралар оралиғида ўрганилди. Фурфурол миқдорини 1 моль стиролга 0,5 дан 2 молгача оралиқда ўзгартирилди);  $ZnCl_2$  катализатори миқдорини 5 дан 20 % гача ўзгартирилди.

MathCad дастури ёрдамида АНФ анионитининг сиғим алмашинувининг (СА) 0,1 н хлорид кислотаси эритмасининг бўйича реакция температурасига ( $t$ , °C) ва стирол : фурфурол 1:1 нисбатдаги рух хлорид катализатори миқдорига боғлиқлиги (1-расм), шунингдек, СА нинг реакция температураси ва  $ZnCl_2$  10% миқдорда бўлганда, стиролнинг (S) фурфуролга (F) моль нисбатига боғлиқликлари графиклари қурилди (2-расм).

Экспериментал ва ҳисоб маълумотларига мувофиқ фурфурол стиролнинг оптимал нисбати эквимольяр миқдорга яқин (0,8:1 дан 1,2:1 гача) деб ҳисоблаш керак, чунки, бу нисбатлар чегараларидан чиқилганда СА нинг қиймати кескин пасайиб кетади. Қўшилаётган  $ZnCl_2$  миқдорига келсак, унинг оптимал миқдорини 8-12 % гача олишимиз зарур. Бу вақтда реакциянинг энг текис бориши таъминланади ва натижада яхши кўрсаткичларга эга бўлган ионитлар олинади.



1-расм. 0,1 н HCl эритмаси бўйича катализатор миқдорининг ва реакция температурасининг ионитнинг сиғим алмашинувига боғлиқлиги




2-расм. 0,1 н HCl эритмаси бўйича «АНФ» анионитининг сиғим алмашинувининг реакция температурасига ва стиролнинг (S) фурфуролга (F) моль нисбатига боғлиқлиги

Экспериментал маълумотлар асосида СА нинг технологик факторларга боғлиқлиги регрессия тенгламаси келтириб чиқарилди. Бу вақтда ўзгарувчан факторлар қуйидагилар бўлди: температура -  $X_1$ ,  $ZnCl_2$  катализатори миқдори -  $X_2$ , шунингдек, фурфуролнинг 1 моль стиролга моль миқдори -  $X_3$ .


$$Y = -418,6549 + 4,7231 \cdot X_1 - 2,2494 \cdot X_2 + 64,8215 \cdot X_3 - 0,0203 \cdot X_1^2 + 0,0537 \cdot X_2^2 - 14,8869 \cdot X_3^2 + 8651,5268 \cdot \frac{1}{X_1} - 80,6035 \cdot \frac{1}{X_2} + 42,9097 \cdot \frac{1}{X_3}$$

Аминосульфатли амфолит (АНФС) олиш учун кимёвий ўзгаришлар реакциялари олиб борилди. Хароратнинг сульфурлаш жараёнига таъсири тадқиқ қилинди ва жараённинг лимитловчи босқичи аниқланган.

Дастлаб сиғим алмашинувининг ортиши кўпроқ сульфогруппа микдорининг ортиши ҳисобига содир бўлади (3-расм). Давомий сульфурлаш вақтида ва реакцияни кескин олиш бориш шароитларида, тўлиқ сиғим алмашинувининг ортиши асосан оксидланиш жараёнларининг бўлиши ҳисобига содир бўлади, бу эса карбоксил группаларининг микдори ортиб кетишига олиб келади.



**3-расм. Анионитни турли температураларда сульфурлаш даражаси боғлиқликлари:**  
1 - 50 °C, 2 - 60 °C, 3 - 70 °C, 4 - 80 °C




**4-расм. Анионитни сульфурлаш реакциялари кинетик эгриларининг анаморфозлари:**  
1 - 50 °C, 2 - 60 °C, 3 - 70 °C


Тўғри чизикли боғлиқлик (4-расм), яъни диффузия жараёнининг ифодаси ҳисобланган  $-\ln(1-A)$  нинг  $\tau$  га боғлиқлиги характеридан келиб чиқиб, жараённинг пленкали механизм бўйича амалга оширилиши ҳақида хулосага келишимиз мумкин. Анионитнинг сульфурланиш реакцияси активланиши энергиясининг ҳисобланган қиймати 56,81 кДж/моль га тенг. Активланиш энергиясининг бундай кичик қиймати, АНФ анионитининг сульфурланиш жараёни етарлича осон боришидан дарак беради.

Олинган АНФ анионитининг фосфорилланиш механизмини аниқлаш мақсадида фосфориллаш реакциясини фосфор уч хлорид билан алюминий уч хлорид катализатори иштирокида 55, 65, 75 °C хароратларда олиб борилди.

Экспериментал маълумотлар асосида анионитни фосфориллаш реакцияси етарлича юқори ўзгариш даражасида (0.8 ÷ 0.82) бўлиб ўтади деган хулосага келиш мумкин, шуни айтиш керакки, ўзгаришлар тезлиги бошланғич босқичда  $\tau < 80$  мин пленкали диффузия орқали лимитланади. Кейин, ўзгаришлар даражасини  $\tau > 80$  мин да фосфориллаш реакцияси тезлигигача оширилганда ички диффузион жараён таъсири ортади, уни фосфор уч хлориднинг анионит доначаси ичига сингиши орқали, яъни доначага диффузияланиш, жараённинг лимитловчи босқичи бўлиб қолади (6-расм).



**5-расм. Анионитни турли хароратларда фосфориллаш даражаси боғлиқликлари:**  
**1- 55 °С, 2 - 65 °С, 3 - 75 °С**



**6-расм. Анионитни фосфориллаш жараёнининг якуний босқичи учун A нинг  $\sqrt{\tau}$  га боғлиқлиги:**  
**1- 55 °С, 2 - 65 °С, 3 - 75 °С**

Ион алмашувчи полимерлар ассортиментини кенгайтириш мақсадида регуляру тузилишга эга бўлган, етарлича механик мустахкамликка, термостойликка ва мис ионларига танлаб активликка эга бўлган аминокарбоксил амфолити яратилди. Ушбу АНКБФ аминокарбоксил амфолитини олиш усулнинг моҳияти, акрил кислота нитрили АКН ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган фурфуролни ва куб қолдиқларини 1:1 нисбатда катализатор сифатида рух хлорид иштирокида поликонденсациялашдан иборат. Нитрил группаларни карбоксил группаларга ўзгартириш мақсадида олинган полимерни ўювчи натрий эритмасида совунлантириш олиб борилди. Амид группаларини амин группаларига ўтказиш учун натрий гипохлориднинг спиртли эритмасида Гоффман реакцияси олиб борилди.

Реакцияга киришувчи моддаларнинг амфолит хоссаларига масса нисбатининг таъсири ўрганилди. Акрил кислота нитрили ишлаб чиқаришнинг куб қолдиқлари ва фурфуролнинг масса нисбатини 1-1,5 моль оралиқда ўзгартирилди. Тадқиқот маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

Экспериментал маълумотлар шуни кўрсатадики, асосий мономер ва боғловчи агент бир хил табиатга эга бўлганда, полимер матрицанинг эгилувчанлиги, боғловчи агентнинг миқдорига боғлиқ: мономерларнинг бошланғич аралашмасидаги унинг моль улуши ортиб бориши билан ионитнинг кўндаланг боғланиш даражаси ортади ва тизимдаги структуравий тартиб пасаяди. Бу вақтда амфолитнинг кислотали-ишқорийлик хоссалари ҳам эркин электростатик энергиянинг ва полимер матрицасининг конфигурацион энтропияси камайиши туфайли пасаяди. Бу, ионитнинг лиганд группалари электрон донорлик хусусиятларининг ёмонлашишига олиб келади, бунинг натижасида координацион боғ энергияси камаяди. Шу муносабат билан, боғловчи агент ва мономернинг оптимал нисбатини - фурфурол: АКН ишлаб чиқаришнинг куб қолдиқлари - 1:1 моль нисбати танлаб олинган.

1-жадвал

**АНКБФ амфолити хоссаларининг АКН куб қолдиқлари ва фурфуролнинг моль нисбатига боғлиқлиги**

Кўрсаткичларнинг номланиши	АКН куб қолдиқларининг фурфуролга нисбати, моль		
	1:1	1: 1,25	1:5
ОН-шаклидаги сувда бўктирилган амфолитнинг солиштирма хажми, мл/г	3,6	2,9	2,0
Сочилма оғирлик, г/мл	0,65	0,6	0,58
0,1 N эритмалар бўйича статик сиғим алмашинуви, мг·экв/г			
NaOH	4,5 - 5,0	4,4	4,0
NaCl	2,0	1,4	1,1
HCl	5,0	4,0 - 4,2	3,5 - 3,9
H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	6,0	5,1	4,6
CaCl <sub>2</sub>	3,0	2,5	2,0
CuSO <sub>4</sub>	2,8 - 3,0	2,2	1,5

Хароратлар омилининг АНКБФ амфолити поликонденсацияси жараёнига таъсирини 80, 90, 100, 110 °С хароратларда ва НАК ишлаб чиқаришнинг куб қолдиқлари: фурфурол - 1:1 моль нисбатларда ўрганилди (2-жадвал).

2 жадвал

**Поликонденсациялаш температурасининг АНКБФ амфолити хоссаларига таъсири**

Реакция харорати t, °С	Реакция давомийлиги τ, час	ОН-шаклидаги сувда бўккан амфолитнинг солиштирма хажми, мл/г	0,1 N NaOH бўйича СА сиғим алмашинуви мг·экв/г
80	7-8	3	2,9
90	6,5	2,8	3,8
100	4,5-5	3,6	4,8-5,0
110	2,5-3	2,1	2,7


Олинган натижалар тахлили, поликонденсациялаш хароратининг 100 °С дан пастга пасайиши, саноат талабларини қаноатлантирадиган полимер олишга тўсқинлик қилади, бунинг натижасида эса, кўрсаткичлари паст бўлган ионитлар олиниши ва синтез вақти чўзилиши мумкин. Ҳароратнинг 110 °С дан юқорига кўтарилиши ионитнинг асосий хоссаларини ёмонлашишига олиб келади.

Поликонденсацияни олиб бориш оптимал варианты сифатида реакция харорати 100 °С қабул қилинди, бу вақтда реакция давомийлиги 4,5 - 5 соат ва 0,1 N NaOH эритмаси бўйича сиғим алмашинуви 4,8 - 5,0 мг·экв/г ташкил этади.

Диссертациянинг «Синтезга йўналтириш натижасида олинган амфолитларнинг тузилиши хусусиятларини ўрганиш» деб номланган тўртинчи боби ИК-спектроскопия ва потенциометрик титрлаш билан бирга


замонавий таҳлил усулларидан фойдаланиб янги амфотер ион алмашувчи полимерларнинг тузилишини аниқлаш ва ҳосил бўлиш механизмларини ўрганишга бағишланган.

Олинган амфолитларнинг кислота-асослик хоссалари ИҚ-спектроскопия ва потенциометрик титрлаш усуллари орқали тадқиқ қилинган (7 ва 8-расмлар).



**7-расм. Н-шаклдаги амфолитларни 0,1 н HCl эритмасида титрлаш эгрлари**

Олинган маълумотлар, OH-шаклда титрлаш эгрлари асосан иккиламчи ва учламчи амин группаларига мос келади деб ҳисоблаш имконини беради. Н-шаклдаги ANFC амфолити таркибида боғланган сульфогруппалар ( $-SO_3H$ ) мавжуд, улар сувли эритмада бир босқичга диссоцияланади (7-расм).



**8-расм. OH-шаклидаги амфолитларни 0,1 н NaOH эритмаси билан титрлаш эгрлари**


ANFF аминоксидли амфолитни потенциометрик титрлаш, Н-шаклда фосфордордон группалар мавжуд эканлигини кўрсатди (8-расм), бу вақтда биринчи поғона ўртача кислоталик соҳасида жойлашган ( $pK=4,9$ ), иккинчиси - кучсиз кислоталик соҳасида ( $pK=6,1$ ) жойлашган. Н- ва OH- (Na) шаклдаги ANKBF аминоксидли амфолитни потенциометрик титрлаш эгрлари буферли кучсиз кислотали катионитларга ва қуйи асосли анионитларга мос келади. Карбоксил ва бирламчи амин группаларининг  $pK$  қиймати тегишли равишда 4,0 ва 8,0 га тенг (7 ва 8-расмлар).

Поликонденсация жараёнида ионит синтез қилишда юзага келадиган қийинчиликларни ҳисобга олиб, «синтез - тузилиши - хосса» ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш маълум даражада ушбу турдаги полимер сорбентларни олиш жараёнини тартибга солиш имконини беради. Ушбу мақсадда олинган



сорбентларнинг морфологик тузилишини ва уларнинг элемент таркибини EVO MA 10 сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида тадқиқ қилинди (Carle Zeiss, Германия).


9-расмда АНКБФ аминокарбоксил ионити гранулаларининг тахминан танлаб олинган юзаси соҳасидаги микросуратлари ва энерго-дисперсион спектри келтирилган. Олинган маълумотлар, гранулаларнинг ўлчами ва шакли нуктаи назаридан ҳам, структуравий хусусиятлар нуктаи назаридан ҳам сорбентларнинг сезиларли даражада гетерогенлигидан дарак беради. Оптик кузатишлар асосида, поликонденсация реакцияси тугагандан кейин сорбентни майдалаш жараёни билан боғлиқ бўлган сорбентларнинг нотўғри шаклдаги гранулалар кўринишида эканлиги аниқланди.



**9-расм. АНКБФ аминокарбоксил ионит гранулаларининг энерго-дисперсион спектрлари**

9-расмда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ўрганилган сорбент таркибида катта миқдорда кислород атоми (18,1 %) бўлгани каби азот атомлари (8,9 %) ҳам мавжуд. Бу маълумотлар миқдорий жиҳатдан аминокарбоксил сорбент олиш фактини тасдиқлайди.

10-расмда стирол, фурфурол ва полиэтиленполиамин асосидаги поликонденсацион анионитни сульфурлаш орқали олинган АНФС аминосульфат амфолитнинг микросурати ва энерго-дисперсион спектри келтирилган.




**10-расм. АНФС аминосульфат амфолити микросурати ва энергодисперсион спектри**


10-расмда энерго-дисперсион спектрада C, O, N ва S элементларига тегишли сигналлар мавжудлигини кўриш мумкин. Энерго-дисперсион спектрада N атоми (13.3%) каби S атомини (11.7%) ҳам мавжудлиги, аминосульфат амфолит олиш фактини яна бир бор таъкидлайди.

АНФС амфолитининг микросуратидан аминосульфат амфолити гранулаларининг юзалари, АНКБФ аминокислотали амфолитидан сезиларли даражада фарқ қилишини кузатиш мумкин. Аввалги амфолитдан фарқли ўлароқ, АНФС аминосульфат амфолитининг юзаси текстураси ғоваклар ва чуқурчаларни эслатувчи турлича сийрак майда структурали тузилмали бўлиб, қарийиб силлиқ. Шунга айтиш керакки, бу намунанинг ғоваклилиги юзасидан қараганда қарийиб сезилмайди, бу, бошланғич матрицани қўшимча гидрофилизлаш ҳисобига сульфурлаш реакцияси боришида структуранинг сезиларли даражада зичлашиши ҳисобига бўлади.

10-расмдаги маълумотларга кўра, сорбент таркибида катта миқдорда кислород атоми (18,1%) бўлгани каби, азот атоми (8,9%) ҳам мавжуд. Бу маълумотлар, миқдорий жиҳатдан аминокарбоксилли сорбент олиш фактини тасдиқлайди. Назарий билимлар ва физик-кимёвий таҳлилларининг эскпериментал маълумотларига таянган ҳолда, олинган амфолитларнинг тахминий тузилишини қуйидаги тарзда тасаввур қилиш мумкин:



1-схема. Фурфурол ва АКН ишлаб чиқариш куб қолдиқлари асосидаги аминокарбоксил амфолит




2-схема. Стирол, фурфурол ва ПЭПА асосидаги АНФ анионитини олиниши, 2- АНФ анионитини сульфурлаш, 3- АНФ анионитини фосфориллаш, 4- фосфорилланган АНФ анионитини оксидлаш


Диссертациянинг «Янги ионитларнинг асосий физик-кимёвий характеристикаларини тадқиқ қилиш ва уларни қўлланиш соҳаларини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида олинган амфолитларнинг асосий хоссаларини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Олинган АНКБФ амфолитини қўлланиш имкониятларини баҳолаш мақсадида мис ионларининг сорбцияланиш кинетикасини «МАХАМ-СИРСИҚ» АЖ корхонасида аммиакни синтез қилиш жараёнида конверсия газини тозалашда қўлланиладиган реал ишлаб чиқаришнинг мис-аммиакли эритмасидан фойдаланиб мис ионларининг сорбцияланиш кинетикасини ўргандик.

Тадқиқотлар олиб боришда фазалар контакти узилишигача бўлган тезлик билан таққосланганда фазалар контактини янгилангандан кейин ионлар орасидаги алмашинув тезлигининг ортиши кузатилди. Бу факт ичкидиффузион кинетика мавжудлигининг исботи бўлиб хизмат қилади, уни 11 расмда кузатилади.



11-расм. Н- (а) ва Na –шаклларидаги (б) АНКБФ амфолити билан МАЭ дан мисни сорбция қилиш кинетик эгрлари 1 – фазалар контактини узмасдан олиб борилган тажриба, 2-фазалар контакти узилганда олиб борилган тажрибалар  $\Delta\tau=30$ мин



12-расм. 1-25 °С, 2-40 °С, 3-60 °С температураларда Na-шаклдаги АНКБФ амфолити билан МАЭ дан мисни сорбциялашнинг кинетик эгрлари

Диффузион кинетика турини аниқлаш учун машхур изотоп ион алмашилишнинг вақтга боғлиқликларидан фойдаландик. Бу вақтда  $Bt$  нинг  $t$  га

чизиқли боғлиқлиги кузатилади (11-расм), бу эса, смола ичидаги диффузия, аста-секин борувчи босқич эканлигини исботлайди.

Шу тарзда кинетик маълумотлар асосида турли температураларда диффузия коэффиценти ҳисоблаб топилди ва H- ва Na-шаклларидаги АНКБФ амфолитидаги активланиш энергияси топилди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Гелли кинетика учун чегараловчи ҳажм усули ёрдамида олинган кинетик маълумотлар**

Ионит шакли	МАЭ ҳарорати, °С	B	$D \cdot 10^6$ , $\text{см}^2/\text{с}$	Ярим алмашинув вақти, $\tau_{1/2}$ , сек	$\Delta E$ кДж/моль
$H^+$	25	0.0117	2.97	25.2	33.8
	40	0.0203	5.15	14.6	
	60	0.0494	12.5	6	
$Na^+$	25	0.0082	2.1	35.7	25.4
	40	0.0129	3.3	22.7	
	60	0.0245	6.2	12.1	

